

ТОШКЕНТ

ОҚШОМИ

Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ - СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ

№ 219 (10.272)

2004 ЙИЛ 10 НОЯБРЬ

XVI саҳоси
Барча маълумотлардан
олingan сўнгги хабарлар

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ҚАРОРИ РАМАЗОН ҲАЙИТИНИ НИШОНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Муборак Рамазон ҳайити азалдан юртимизда шоду хуррамлик, меҳр-мурувват кунлари бўлиб келаётганлигини, ушбу айёмда кексаларга алоҳида ҳурмат-эҳтиром, кам таъминланган оилалар, етимлар, ногиронларга ғамхўрлик ва ёрдам кўрсатиш хайрли анъана эканлигини, бу сананинг халқимиз маънавий ҳаётидаги ўрни ва аҳамиятини эътиборга олиб ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Рўза ҳайитини дам олиш кунини деб эълон қилиш тўғрисида» 1992 йил 27 мартдаги ПФ-368-сон Фармониини ижро этиш юзасидан Вазирлар Маҳкамаси ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. 2004 йилда Рамазон ҳайитининг биринчи кунини 14 ноябрга тўғри келиши ҳақида Ўзбекистон мусулмонлари идораси Уламолар Кенгашининг қарорини эътироф этилсин ҳамда ушбу кун мамлакатимизда байрам сифатида кенг нишонлانسин.

2. Мутасадди идоралар ва жамоат ташкилотлари Рамазон ҳайитининг жойларда тартибли ва юқори даражада ўтиши учун тегишли тадбирларни амалга оширсинлар.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси
И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2004 йил 8 ноябрь

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ҚАРОРИ ХОРАЗМ МАЪМУН АКАДЕМИЯСИНИНГ 1000 ЙИЛЛИГИНИ НИШОНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Жаҳон илм-фани ва маданияти ривожига улкан ҳисса қўшган Хоразм Маъмун академиясининг бой илмий меросини ҳар томонлама ўрганиш, ёш авлод қалбига миллий ифтихор ва мамлакатимизнинг тарихий ўтмишига чуқур ҳурмат туйғусини камол топтириш, шунингдек Хоразм Маъмун академиясининг 1000 йиллик юбилей юксак ташкилий даражада нишонланишини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. ЮНЕСКО Бош конференциясининг 32-сессиясида Хоразм Маъмун академиясининг 1000 йиллигини нишонлаш бўйича юбилей тадбирларида ЮНЕСКОнинг иштирок этиши ҳақида қарор қабул қилинганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Хоразм Маъмун академиясининг 1000 йиллигини нишонлашга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича Республика ташкилий қўмитаси таркиби ҳамда тадбирлар дастури тасдиқлансин.

Ташкилий қўмита (Ш.М.Мирзиёев) Хоразм Маъмун академиясининг 1000 йиллигини нишонлашга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича чора-тадбирлар комплексининг амалга оширилишини таъминласин.

3. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Республика «Маънавият ва маърифат» маркази, «Ибн Сино» ҳамда «Олтин мерос» жағғармалари Хоразм вилояти ҳокимлиги билан биргаликда 2005 йил октябр ойида «Хоразм Маъмун академияси ва унинг жаҳон илм-фани тараққиётидаги ўрни» мавзусида халқаро илмий конференция ўтказиш бўйича ташкилий чора-тадбирларни таъминласин.

Вазирлар Маҳкамасининг
Раиси
И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2004 йил 9 ноябрь

Бугун — ички ишлар идоралари ходимларининг касб байрами



Мустақил юртимизда бугунги кунда барча соҳаларда туб ислохотлар олиб борилаётганда. Юрт осойишталиги, фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш йўлида туну кун ўз хизмат постида сергак турган ички ишлар идоралари тизимидagi ислохотлар ҳам ўзининг яхши натижаларини бермоқда.

СУРАТДА: Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармаси Тезкор навбатчилик қисми ходимлари навбатдаги иш режалари юзасидан фикрлашмоқдалар.

Ҳақимжон Солиҳов олган сурат

ШАҲАР САЙЛОВ КОМИССИЯСИ: ТАШАББУСКОР ГУРУҲЛАР РЎЙХАТДАН ЎТДИ

26

декабрь —
Ўзбекистон
Республикаси Олий
Мажлиси Қонунчи-
лик палатасига
ва маҳаллий
Кенгашларга
сайлов кунини

Кеча шаҳар сайлов комиссиясининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Унда халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши депутатлигига ўз номзодларини тавсия этаётган бешта ташаббускор гуруҳ рўйхатдан ўтказилганлиги тўғрисида қарор қабул қилинди.

«Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида»-ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига асосан маҳаллий Кенгашлар депутатлигига номзодларни кўрсатиш ҳуқуқига сиёсий партиялардан ташқари, бевосита фуқаролар ҳам эга. Бешта ташаббускор гуруҳ қайд этилганлиги шаҳар сайлов комиссиясининг сайловолди кампаниясининг галдаги — номзодларни кўрсатишга оид босқичдаги дастлабки қабул қилган ҳужжатидир. Пойтахтда номзодларни кўрсатиш жараёни қандай кечмоқда? Биз ушбу савол билан шаҳар сайлов комиссияси раиси Алишер АБДУРАҲМОНОВга мурожаат қилдик.

Давоми 2-бетда.

ДЕМОКРАТИЯ ТАМОЙИЛАРИ ВА ЁШЛАР

Фуқаролик жамиятини ўрганиш институтида ёшларни демократия тамойиллари, сайлов ва сайловолди жараёнлари билан таништиришга бағишланган семинар бўлиб ўтди. Халқаро Республика институтининг (АҚШ) Тошкентдаги ваколатхонаси билан ҳамкорликда ташкил этилган тадбирда мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган сиёсий партиялар ёшлар қаноти етакчилари, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати фаоллари, нодавлат нотижорат ташкилотлари вакиллари иштирок этди.

Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси ва халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларга сайловларга тайёргарлик жараёни ва унда ёшларнинг фаол иштироки, парламентаризм ва сайлов тизимлари, сиёсий партияларнинг жамиятдаги роли ва вазифалари, сайлов тўғрисидаги қонунчилик, сайловчи ҳуқуқлари каби мавзулар тадбир иштирокчиларининг диққат марказида бўлди.

ЎЗА

Мамлакатимизда

• Сурхондарё вилояти пахтакорлари 345 минг тонналик ҳирмон бунёд этиб, давлатга пахта сотиш шартнома режасини адо этганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов вилоят пахтакорлари ва барча меҳнаткашларига самимий табрик йўллади.

• «Ўзбекистон маркаси» акциядорлик жамияти республикаимизда етиштириладиган узум навлари ва қадимий зардўзлик санъати намуналари тасвири тўширилган почта маркаларини нашр этди.

• Жорий йилнинг октябр ойи давомида қўмлатили қозғалар бозорига умумий биржа айланмаси 2.630,6 миллион сўмни ташкил этди. Амалга оширилган 296 та битимда 86 акциядорлик жамиятларининг 2.419,1 мингта акциялари сотилди.

• Германиянинг «Рейхесен» хунармандлар палатаси вакиллари делегацияси Жиззах вилояти ишбилармон аёллар уюшмасида бўлиб тадбиркор аёлларнинг истиқболга мўлжалланган режалари билан танишди.

• «Ўзбекқўмир» акциядорлик жамияти тизими корхоналарида қўмир қазиб ҳажми ортмоқда. Хусусан, истеъмолчиларга 2 миллион тоннага яқин ёқилғи етказиб берган ҳолда «Ангрен» қўмир кони жорий йилга белгиланган шартнома мажбуриятларини ошири билан бажарди.

• «Камолот» ЕИХ Бухоро вилоят Кенгашида йод ва темир моддаси танқислигининг олдини олиш мавзусидаги семинар бўлиб ўтди.

Жаҳонда

• Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Бош қўмитаси БМТ Бош Ассамблеясининг 59-сессияси кун тартибига 2005 йилни халқаро физика йили деб эълон қилиш тўғрисидаги параграфни киритишни тавсия этди.

• АҚШ Президенти Жорж Буш республикачилар ва демократларни мамлакат ички ва ташқи сиёсати фаолиятида бирлашишга чақирди.

• Фаластин мухторияти раҳбарлари Париждаги Ёсир Арафот даволанаётган ҳарбий госпиталда бўлиб, Арафотнинг соғлиги билан бевосита танишишди.

• Мамлакат Ички ишлар вазирлигининг хабарига кўра, Эронда ўтказиладиган Президент сайловлари келаси йилнинг 13 майга белгиланди. Амалдаги Президент Мухаммад Хотамайнинг охириги ваколат мuddати тугаётганлиги сабабли Эроннинг Президенти янгиланади.

• Шаҳарнинг ер қабрига қўқиб хавфи борлиги сабабли Швеция маъмурилари Лапландияда жойлашган Кируна шаҳрини янги жойга қўчиришни режалаштиришмоқда.

ПОЙТАХТНИНГ Бир кунни

Янгилликлар, воқеалар

КЕЧА

● **КЕЧА** Ўзбекистон Республикаси Банкар уюшмасининг Банк-молча академиясида Мирзо Улуғбек туман кичик бизнес, матлубот кооперацияси, савдо ходимлари ва хусусий тадбиркорлар касба уюшмасининг биринчи таъсис конференцияси бўлиб ўтди.

● **СЕРГЕЛИ** туманидаги «Тинчлик» маҳалласида «Маънавият ва маърифат» маркази, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг туман бўлими хамкорликларида уюштирилган тадбир икки палатали парламентга сайловларга тайёргарлик кўриш масаласига бағишланди.

● **БУГҲН** «Кўшбег» маҳалласида никоҳланувчи ёшларни тиббий кўридан ўтказиш масаласига бағишланган «Дин ва аёл» мавзусида ўтказилган тадбир «Маънавият ва маърифат» маркази, «Маҳалла» жамғармасининг Яккасарой туман бўлими, «Ойла ва аёл» маркази хамкорликларида уюштирилди.

● **КЕЧА** Юнусобод туман ҳокимлигида туман хотин-қизлар кўмитаси, «Маънавият ва маърифат» марказининг туман бўлими хамкорликларида уюштирилган илмий-амалий анжуман «Ислоҳ дунёси ва унда оилага бўлган муносабат» деб номланган.

● **ЎТГАН** кун Юнусобод туман ҳокимлигида туман хотин-қизлар кўмитаси, «Маънавият ва маърифат» марказининг туман бўлими хамкорликларида маҳалла ёшлар хотин-қизлар комиссиялари раислари фаолиятини янада жонлантириш мақсадида семинар машғулотлари уюштирилди. Тадбир давомида «Сийёсат ва аёл» мавзусида илмий-амалий анжуман ўтказилди.

● **БУГҲН** Бектемир туманидаги 289-мактабда Болалар спортини ривожлантириш жамғармасининг туман бўлими, туман халқ таълими бўлими, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг туман Кенгаши хамкорликларида ўқувчи қизлар ўртасида стол тенниси бўйича мусобақалар ташкил этилди.


● **ШАЙХОНТОХУР** туманидаги 15-Болалар ва ўсмирлар спорт мактабида Тошкент шаҳар шахмат федерацияси ташаббуси билан 10-18 ёшли болалар ҳамда ўсмирлар иштирокида ўтказилаётган шахмат бўйича Тошкент шаҳар биринчилиги мусобақалари **БУГҲН** якунланди.

● **ШАЙХОНТОХУР** туманидаги 41-мактабда туман халқ таълими бўлими, Болалар спортини ривожлантириш жамғармасининг туман бўлими хамкорликларида 7-10 ёшли болалар ўртасида «Умид ниҳоллари» мусобақаларининг энгил атлетика бешлашувлари ўтказилди.

● **МИРЗО** Улуғбек туманидаги «Умид» спорт мактубасида туман халқ таълими бўлими, Болалар спортини ривожлантириш жамғармасининг туман бўлими хамкорликларида баскетбол бўйича уюштирилган мусобақаларда мактабларнинг юқори синф ўқувчи қизлари бешлашувлари ўтказилди.

● **БОБУР** номидаги маданият ва истироҳат боғида «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Кубоги учун ўрта махсус касб-хўнара лицейлари, коллежлари талабалари ўртасида шахка мусобақалари ташкил этилди.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги Матбуот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.



(Давоми.Боши 1-бетда).

— Авваламбор шуни таъкидлаб ўтмоқчи эдимки, вилоят Кенгашидан фарқли ўларок, вилоят туманлари ва шаҳар кенгашларига, шу жумладан Тошкент шаҳри бўйича ҳам ўз номзодларини кўрсатиш ҳуқуқига фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳам эгадир. Фуқароларни ўзини ўзи бошқариш органлари юридик субъект ҳисоблангани боис шаҳар сайлов комиссиясига улар томонидан депутатликка номзодни кўрсатиш бўйича фуқаролар йиғини мажлиси баёни тақдим этилиши лозим. Ўзини ўзи бошқариш органларидан номзодлар хали қайд этилган йўқ. Шундай бўлсада, эслатиб ўтмоқчиман: ҳар бир сайлов округидан улар биттадан депутатликка номзод кўрсатишга ваколатлидир. Агарда шаҳар Кенгашига сайлов ўтказувчи сайлов округи ҳудудига фуқароларнинг икки ва ундан ортиқ ўзини ўзи бошқариш органи жойлашган бўлса, депутатликка номзод фуқаролар вакилларининг йиғилишлари қўрсатилади.

— Юқорида шаҳар сайлов комиссияси томонидан бешта ташаббускор гуруҳ рўйхатдан ўтказилганлиги хусусида айтиб ўтилган. Ташаббускор гуруҳлар томонидан номзодларни кўрсатиш жараёни бир нечта босқичдан иборат бўлиб, бу ишни амалга ошириш пайтида, мутахассислар фикрига қараганда, баъзан хато ва ноаниқликлар ҳам юзага келаётган экан. Бундай вазият Тошкент шаҳар Кенгашига ўз номзодларини тавсия қиладиган ташаббускор гуруҳларга ҳам тааллуқлими? Уларга, масалан, ҳужжат-

ШАҲАР САЙЛОВ КОМИССИЯСИ: ТАШАБУСКОР ГУРУҲЛАР РҲҲХАТДАН ҲТДИ

ларни расмийлаштиришда йўл қўйилган баъзи бир камчиликлар юзасидан қайд этишга рухсат берилмаган ҳолатлар ҳам бўлди?

— Йўқ, бундай ҳолатлар юзага келгани йўқ. «Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида»ги қонунга мувофиқ сайлаш ҳуқуқига эга бўлган ҳар бир фуқаро ёки фуқаролар гуруҳи шаҳар Кенгаши депутатлигига номзод кўрсатиш учун тегишли сайлов округининг камида 50 нафар сайловчисидан иборат сайловчилар ташаббускор гуруҳини тўзиши мумкин (Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига ўз номзодларини кўрсатган ташаббускор гуруҳлар таркиби эса 300 кишидан кам бўлмалиги керак). Бугунги кунда шаҳар сайлов комиссиясига рўйхатга олишни илтимос қилиб бешта ташаббускор гуруҳнинг ваколатли вакиллари мурожаат этган бўлса, биронтасига раджаъоби берилгани йўқ. Ҳар бири рўйхатдан ўтказиш тўғрисидаги ариза билан бирга сайловчилар ташаббускор гуруҳи аъзоларининг тўлиқ рўйхати, гуруҳ йиғилишининг ваколатли вакилини тайинлаш тўғрисидаги қарори ва унинг номига нотариял тарзда расмийлаштирилган қозғош, депутатликка номзод кўрсатиш тўғрисида гуруҳ йиғилишининг қарори ва баёнини тақдим этди. Беш кун ичида уларни қўриб чиқиб, барини рўйхатдан ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилдик, зеро тақдим этилган ҳужжатларнинг ахтаришти тартиб ва қоидаларга мос равишда расмийлаштирилган эди. Шунинг ҳам таъкидлаб ўтмоқчи эдимки, комиссиямиз томонидан дастлаб номзодларни кўрсатиш тартибига оид маслаҳат олиш учун мурожаат этган ҳар бир фуқаро ёки гуруҳ вакиллари билан тушунириш ишлари олиб борилди ҳамда уларга расмийлаштириш ва комиссияга тақдим этилиши лозим бўлган ҳужжатлар намуналари топширилди. Ўз на-

вбатиди, шаҳар комиссиясига ҳам, ташаббускор гуруҳларга ҳам жойлардаги округ ва участка комиссиялари ёрдами сезиларли бўлди. Натигада Бектемир тумани бўйича 8-Сувчи, Мирзо Улуғбек тумани бўйича 11-Академик, 27-Дустлик (Сергели тумани), 25-Севзор (Собир Раҳимов тумани) ва 60-Ракат (Яккасарой тумани) сайлов округларидан ташаббускор гуруҳлар рўйхатдан ўтказилди.

— БевоСИТА ташаббускор гуруҳлар томонидан депутатликка кўрсатилаётган номзодлар қай тартибда рўйхатдан ўтказилади?

— Сайловчилар ташаббускор гуруҳи рўйхатга олинганлиги тўғрисида қарор қабул қилинганидан кейин унинг ваколатли вакилига тегишли рўйхатга олинганлик гувоҳномаси ҳамда белгиланган намунадаги имзо варақалари берилди. Энди депутатликка номзод кўрсатётган ҳар бир ташаббускор гуруҳ унинг, яъни номзодни қўллаб-қувватловчи округ сайловчилари умумий сонининг камида саккиз фоизи миқдориди имзо тўлиши лозим ва бунда иштирок этаётган фуқаролар сони ҳар бир маҳалла бўйича мутаносиб равишда тақсимланган бўлиши шарт.

— Ташаббускор гуруҳлар рўйхатдан ўтишидан аввал имзолар тўплаши мумкинми?

— Сайловчилар ташаббускор гуруҳи фақат ўзининг ваколатли вакили рўйхатга олинганлик гувоҳномасини олганидан кейингина депутатликка номзодни қўллаб-қувватлаш юзасидан сайловчилар имзосини тўплашга ҳақли. Бу санага қадар тўпланган имзолар нокўнунли ҳисобланади.

Қўйидагига ҳам эътибор қаратиш албатта, лозим. Имзо варақалари шақлини тегишли комиссия, айна пайтада шаҳар сайлов комиссияси белгиланган. Имзо варақасида депутатликка номзоднинг фамилияси, исми, отасининг исми, туғилган са-

наси, касби, лавозими, иш ва яшаш жойи, партияга мансублиги кўрсатилади. Сайловчилар фақат битта номзодни қўллаб-қувватлаб бир марта имзо қўйишга ҳақлидирлар. Дарвоқе, бу борда сайловчи ўзи тўғрисида барча, шу жумладан паспортга оид маълумотларни, шунингдек, имзо қўйилган санани кўрсатиб ўтиши лозим.

Имзо варақаси имзоларни тўпланган ташаббускор гуруҳ аъзоси ҳамда ваколатли вакил томонидан тасдиқланади. Имзо тўплаётган шахс томонидан фуқароларнинг мажбур қилиш ва ўз томонига олдириш ҳолатлари қонунда белгиланган жавобгарликка сабаб бўлиши мумкин.

Имзолар тўпланганидан сўнг ташаббускор гуруҳнинг ваколатли вакили имзо варақаларини тегишли округ сайлов комиссиясига топширади. Ўз навбатида округ комиссияси ҳужжатларнинг тўғрилигини текшириб, беш кун мuddат ичида шаҳар сайлов комиссиясига баённома тақдим этади. Шу ўринда яна бир нарсани эслатиб ўтмоқчиман, округ сайлов комиссияси имзо варақаларини текшириш борасида икки ишлар ёки аҳолини ҳисобга олиш билан шуғулланувчи органлар мутахассисларини ҳам жалб этиши мумкин. Уларнинг хулосалари эса шаҳар сайлов комиссияси имзо варақаларидаги имзолар сохталаштирилган деб топилши учун аса бўлиб хизмат қилиши мумкин. Агарда ҳақиқатан шундай бўлиб чиқса, шаҳар сайлов комиссияси сайловчилар ташаббускор гуруҳидан кўрсатилган депутатликка номзодни рўйхатга олишни рад этади.

— Ташаббускор гуруҳлар томонидан номзодларни кўрсатишга ҳали вақт борми?

— Эртага, 11 ноябрда бу мuddат тугайди. Шаҳар сайлов комиссияси томонидан сиёсий партиялардан, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларидан, сайловчилар ташаббускор гуруҳларидан депутатликка номзодларни рўйхатга олиш сайловга 35 кун қолганда тўхтатилади. Рўйхатга олингандан сўнг беш кун ичида шаҳар сайлов комиссияси маҳаллий матбуотда депутатликка номзодларнинг тўлиқ маълумотларини қўрсатган ҳолда уларнинг рўйхатини чоп этади.

Ильмира ЗАЙНУТДИНОВА

— Албатта, асосий мақсадимиз пойтахтимиздаги истеъмолчиларни кишин-ёзин, кечаю кундуз мунтазам ва бехатар табиий газ билан таъминлаш бўлиб, бу борда қорхонамизнинг ҳар бир ходими ўз масъулиятига эга. Ҳозирда шаҳримизда газ кириб бормаган хонадан камдан кам учрайди. Шу боис ҳам етказиб берилаётган газдан оқилона ва исрофгарчиликсиз фойдаланишда истеъмолчиларнинг ҳиссалари албатта салмоқли бўлади. Лекин қўнчилик истеъмолчилар бунга амал қилишмаяпти.

Шу ўринда айтиб ўтиш жоизки, ҳисоб-китобларга қараганда жорий йилнинг ўтган тўққиз ойи мобайнида шаҳримиз истеъмолчилари ишлатган газ миқдори 233,7 миллион м³ни ташкил этиб, бу ажратилган меъёрий ҳажмдан 42,4 миллион м³ ортиқча қилинибди. Бу ҳолатнинг сабабларини аниқлаш ва уларни бартараф этиш мақсадида қорхонамиз томонидан чора-тадбирлар белгиланди. Меъёрдан ортиқ газ сарфининг асосий сабаблари хонадонларда ностандарт газ асбоб-ускуналари мавжудлиги, газ иситиш тармоқлари иссиқлик ўтказмайдиган махсус иситиш қопламалар билан ўралмагани, бундан ташқари табиий газдан нокўнунли фойдаланиш ҳолатлари маълум бўлди.

Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 2 октябрдаги «Республикага газ таъминотинони бошқариш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорининг ижросини таъминлаш учун қорхонамизда назорат инспекцияси ташкил этилган бўлиб, сотилган газ учун истеъмолчилардан маблағлар йиғилишини назорат қилиш ва газ тармоқларига рухсатсиз уланиб олишларига йўл қўймайлик, нокўнунли фойдаланишларнинг олдини олиш улар зим-

масига юклатилган.

Лекин текшириш ва жазо чоралари қўлланилишига қарамай бундай ҳолатлар содир

родов 1 та тандир, шу кўчанинг 38-уйида яшовчи И. Сайфуллаев 1 та тандир ва газ плиткаси, Юнусобод тумани, Бозоров кўчаси, 80-уйида М. Зиёвуддинов иссиқхона ва газ плиткаси, Сайёнов кўчаси, 17-«б» уйида М. Қосимова иссиқхона ва 4 камфорли газ плиткаси, А. Икромов тумани, Н. Хужаев кўчаси, 11-уйида В. Исмолов 2 дона иситиш печи ва икки камфорли газ плиткасини нокўнунли, ўзбошимчалик билан газ ҳисоблагичдан ташқари ўрнатиб фойдаланган. Улар тегишли жазосини олиб, жаримага тортилди ҳамда газ тармоғидан узиб қўйилди.

Юқоридидаги ҳолатлардан қелиб чиққан ҳолда истеъмолчиларга газнинг қадри, ўзбошимчалик оқибатлари ҳақида тушунириш ишлари олиб борилмоқда. Бу борда яқинда якунланган «Газдан хавфсиз фойдаланиш икки ойлиги»нинг аҳамияти каттадир.

Шунингдек, айна пайтада табиий газдан тежамкорлик билан фойдаланиш, уни меъёрдан ортиқ ишлатмасликда хонадонларга ўрнатилаётган газ ҳисоблагичларнинг аҳамияти каттадир. Негаки, сарфига яраша ҳақ тўлаган, исроф қилиб ҳаманга зарар етказмайсиз. Шу қунага қадар шаҳримизда ақка тартибгай ўйлар ва кўп қаватли турар жойлар хонадонларига 352072 донга газ ҳисоблагичлар ўрнатилди. Ҳозирда ҳисоблагичлар ўрнатиш ишлари давом эттирилмоқда.

Эслатиш лозимки, тежамкорликка эришишда биринчи навбатда аҳолининг газдан оқилона фойдаланиши муҳим аҳамият касб этади. Уларни иситиш, қирларни қиритиш учун газни ёқиб қўйиш аса қўнғилсиз оқибатларга олиб келади. Шу боис ҳам бебаҳо бойлиқнинг қадрига ҳар биримиз ундан тежамкорлик билан, исрофгарчиликсиз фойдаланиб етайлик.

Шарифа ИЛЁСОВА

Табиий газ — бебаҳо бойлиқимиз

ТЕЖАМКОРЛИК — ҲАММАННИНГ БУРЧИ

«Зангори олов» — табиий газ бебаҳо бойлиғимиз, кундалик турмушимизда ҳар биримизга асқотадиган зарур восита. Унинг қадри ёниб турганда эмас, балки бирозгина вақт бўлмағи қолганда ниҳоятда билинади. Айниқса, ҳаво совуқ пайтларида қозонимиз қайнашига эмас, балки хонадонимиз иссиқлиги ҳам ўзга боғлиқ бўлади. Шу боис ҳам газ тежамкорлигига эътибор қаратиш, исрофгарчиликка йўл қўймайлик, уни эҳтиёжга қараб меъёрида ишлатиш ҳар бир истеъмолчининг ўзи, хонадон, кўн-қўшниси учун фойдали эканлиги яққол кўриниб турибди.

Ҳўш, пойтахтимизда газ исрофгарчилигининг олдини олиш борасида қандай ишлар амалга ошириляптию ортиқча газ сарфининг сабаблари нимада? Тежамкорликка эришиш учун қандай чора-тадбирлар қўрилмоқда? Ўшбу саволларимизга «Тошкент-шаҳаргаз» ҳудудий газ таъминоти қорхонаси директорининг иш-лаб чиқариш бўйича ўринбосари Абдумажид МИРСАГАТОВдан қуйидаги жавобни олдик:

Этилмоқда. Жорий йилнинг 1 ноябрь ҳолатига назорат инспекцияси ходимлари ва туманга назоратчилари томонидан 428 та қонунбузарликлар аниқланди. Шу жумладан, 87 та иссиқхона, 171 та тандирхона, истеъмолчилар томонидан рухсатсиз, нокўнунли ўрнатилган 170 та газ асбоблари аниқланди, тармоқдан узиб қўйилди. Улар томонидан ишлатилган газ учун жами 4 476 066 сўм пул ундирилди.

— Бундай ҳолларга аниқ мисоллар келтириш мумкинми?

— Албатта, бўлади. Чунки улар фақат ўзларининг фойдалари эвазига газ исрофгарчилигига йўл қўйибгина қолмай, ундан ўғринча фойдаланаётган шахслардир. Масалан, Собир Раҳимов тумани, «Жон» кўчаси, 7-уйида С. Му-

Маъин

ИСПАНЧА-
ЎЗБЕКЧА
ЛУФАТ

Бугунги кунда Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университетида ўндан ортиқ тиллар бўйича машғулотлар олиб боришмоқда. Испан тилини ўқитиш ҳам йўлга қўйилган. Бу халқаро нуфузли тилни ўрганиш мақсадида янги тақомиллашган ўқув дастури тайёрланди.

Мазкур дастур бўйича қатор ўқув адабиётларини яратишга киришди. Айни вақтда испанча-ўзбекча лугатни босмага тайёрлаш режаси амалга оширилмоқда.

Қирқ минг сўз ва ибора жамланган бу нашруда атамалар изоҳига ҳам кенг ўрин берилди. Муштарак сўзлар ўзаро таҳлил қилинади.

Янги испанча-ўзбекча лугатни келгуси йили чоп этиш кўзда тутилди. У испан тилини ўрганаётган талаба-ёшлар, мутахассислар учун фойдали ўқув қўланмаси вазифини ҳам ўтайди.

КИЧИК
АКАДЕМИЯДА
ИШ ҚИЗҒИН

Мамлакатимиз шаҳар ва туманларида иқтидорли ёшлар билан яқиндан иш олиб боришмоқда. Ишланувчан бу толиби илмларнинг аксарияти кичик академияларга жалб этилган. Бу эса уларнинг илмий фаолиятларини ривожлантиришда муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда.

Пойтахтимиздаги Мирзо Улуғбек номидаги академик лицейи ҳузуридаги кичик академия фаолияти ҳам кенг йўлга қўйилган. У иш бошлаганига беш йилча бўлиб қолди. Ўқувчи-ёшлар билан ишлаш жараёни ўзига хос йўналишда олиб борилади. Ўқув йили бошида ҳар бир ўқувчи ўзига маълум деб топган мавзунини тақдим этади. Ишланувчан яқиндан, улар ҳимоя қилишга тавсия қилинади.

Ҳозир 20 га яқин иқтидорли ўғил-қиз илмий иланиш билан машғул. Аниқ ва иқтисодий-тумани тартибларига қараб сўз қилиш, қаршиликларни равишда қисқартириш, 1200 га яқин кидирувдаги жиноятчи қўлга олинди ва 118 нафар бедарак йўқолган шахслар кидириб топилди. Тугатилган жиноят ишлари бўйича давлатга етказилган 2 миллион сўмликдан ортиқ зарар қопланди.

1287 та гиёванд моддалар

Маълумки, 1998 йил 28 октябрда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Тўй-ҳашамлар, оилавий тантаналар, марра ва маросимларни, марҳумлар хотираларига бағишланган тадбирлар ўтказилишини тартибга солиш тўғрисида»ги Фармони қабул қилинган. Ҳозирда тўй-марракаларда шухратпарастлик, дабдабозлик, исрофгарчиликка йўл қўймаслик, эл-юрт одатлари ва анъаналарини менсимаслик, ўзини кўз-кўз қилиш, ён-атрофдагиларнинг ҳол-аҳволини инобатга олмаслик каби эскидан қолган иллатларга чек қўйиш кўзда тутилган мазкур Фармоннинг ижроси таъминланмоқда. Хусусан, Ўзбекистон мусулмонлари идораси томонидан фатво чиқарилиб, турли маросимлар ва тадбирларнинг миллий ва диний нуктаи назардан мувофиқлаштирилган ҳолда намунали ўтказишга даъват этилди.

Шуни таъкидлаш керакки, уч йилдан буюн Тошкент шаҳар ҳокимлиги, хотин-қизлар кўмитаси ва «Қамолот» ЕИХ шаҳар бўлими ҳамкорликда «Оила муқаддас» акциясини ўтказиб келмоқда. Унга қўра, Рамазон ҳайитининг биринчи кунини янги оила қўрган келин-куёвлар Самарқанд шаҳрига, Зангиота каби муқаддас қадимжоларни зикр қилиш, «Чорвоқ» оромгоҳида мароқли дам олиш имкониятига эга бўлмоқдалар. Бу йил ҳам тақдиротчилар ёшлар учун ақойиб тўхфа тайёрлаганлар. 14 ноябрь кунини бир ярим мингга яқин келин-куёвлар учун диёримизнинг қўхна ва навқирон,

ёрат қилиш, «Чорвоқ» оромгоҳида мароқли дам олиш имкониятига эга бўлмоқдалар. Бу йил ҳам тақдиротчилар ёшлар учун ақойиб тўхфа тайёрлаганлар. 14 ноябрь кунини бир ярим мингга яқин келин-куёвлар учун диёримизнинг қўхна ва навқирон,

Қадриятларимиз

САМАРҚАНД ШАҲРИГА
САЁХАТ ҚИЛИШАДИ

Мана, муборак Рамазон ойи ҳам яқунлиб, ҳайит байрами яқинлашмоқда. Одатга қўра янги турмуш қўрган келин-куёвлар хонадониди уч кун ҳайит маросими ўтказилар эди.

шаҳр дурдонаси ҳисобланмиш Самарқанд шаҳрига зиёрат уюштирилмоқда.

— Саёхат-зиёрат давомида ёш келин-куёвлар ханузгача хорижликларни хайратлантириб келаётган, буюк аждодларимиз томонидан яратилган тарихий обидалар, шунингдек, мамлакатимиз ноёб амалий санъат дурдоналарини ўз кўзлари билан кўриб узок йиллар эсда қоладиган таассуротларга эга бўлишлари мумкин — дейди



— Дарҳақиқат, маҳаллаларда жамоат тартибини сақлаш, жиноятларнинг олдини олиш бўйича профилактика инспекторлари ва уларга яқин ёрдамчи бўлган маҳалла посбонлари ҳамкорлиги яхши натижаларни бермоқда. Шу кунгача профилактика инспекторлари томонидан 4884 та жиноятлар оқилган. Бу ўтган йилгига нисбатан 4.4 фоиз кўпдир. Бугунги кунда уларнинг фаолият олиб боришлари учун барча зарур шарт-шароитлар яратилган.

Бир сўз билан айтганда бўлсақ шаҳар Ички ишлар идоралари ходимлари томонидан олиб борилаётган ишлар натижасида шаҳар ҳудудида қатор жиноятларнинг олдини олиниб, фуқароларнинг тинчлиги ва осойишталиги таъминланди. Бу йилдаги мураккаб, бироқ шарафли фаолиятимизни доимо такомиллаштириб бораверамиз.

Биз ҳам ўз навбатида ҳамиша элу юрт хизматини виждоний бурч деб биладиган заҳматли касб эгаларининг ишларида омадлар тилаб қоламиз.

Шоира МУҲАМЕДОВА
сухбатлашди.

СУРАТЛАРДА: Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармаси Тезкор на-вбатчилик қисми — «02» хизмати оператори Лола Рўзиева ва шу хизмат наватчилари наватдаги хабарларни қабул қилмоқдалар.

Ҳакимжон Солиҳов
олган суратлар.

«Қамолот» ЕИХ Тошкент шаҳар бўлими раси Фурқат Махмуджўев. — Саёхат билан боғлиқ барча сарф-харажатлар «Қамолот» ЕИХ Тошкент шаҳар бўлими томонидан қопланади.

Айтиш жоизки, бепул тарзда ташкил қилинаётган ушбу акцияга қизиқаётганлар сони йилдан-йилга ортиб бормоқда. Жорий йилда ҳайит кунини ёш келин-куёвлар учун Самарқанд шаҳрига зиёрат уюштирилаётгани ҳақида давлат ва нодавлат радиостанциялари, газеталар орқали икки ҳафта давомида эълон берилганди. Натижада 2004 йили пойтахт ФХД бўлимида рўйхатдан ўтган 8884 та оиладан 1500 нафар келин-куёвлар саёхатга боришга қарор қилди.

Саёхат юқори савияда ўтиши учун Тошкент шаҳар ҳокимлиги, шаҳар хотин-қизлар кўмитаси, «Қамолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати шаҳар бўлими, Тошкент шаҳар Ички ишлар ва Соғлиқни сақлаш бош бошқармалари, «Тошшаҳарйўловчтранс» акциядорлик компанияси ҳамда Тошкент шаҳар ҳокимлиги Матбуот хизмати томонидан барча зарурий чора-тадбирлар иш-лаб чиқилиб, амалда татбиқ этилмоқда.

Шахноза ҚУДРАТХҲАЕВА

Бугун — икки ишлар идоралари ходимларининг касб байрами
ЮРТ ТИНЧЛИГИ, ЭЛ
ОСОЙИШТАЛИГИ МАСЪУЛЛАРИ

Мамлакатимизда амалга оширилаётган изчил ислохотлар жараёнида она-Ватан тинчлиги, элу юрт осойишталигини таъминлашга бел боғлаган икки ишлар идоралари ходимларининг ҳам муносиб ҳиссаси бор. Мустақил юрт фуқароси бўлган ҳар бир инсоннинг хавфсизлиги, тинчлиги, хотиржамлиги посбонларининг заҳматли, масъулиятли, айни вақтда шарафли касблари ҳақида бугун анча илик гапларни айтишимиз мумкин. Улар бугун осойишталиқни сақлашдек вазифини сидқидилдан бажариб, икки ишлар идоралари ходимлари кунини — касб байрамларини ёруз юз билан қутиб олмақдалар. Биз Тошкент шаҳар Ички ишлар Бош бошқармаси матбуот маркази бошлиғи, подполковник Рустам ЁДГОРОВ билан бугунги кунда шаҳар ички ишлар тизимида амалга оширилаётган ишлар ҳақида суҳбатда бўлдик.

— Меҳр ва муруват йилининг ўтган ойлари мобайнида шаҳримиздаги тезкор вазиёт қанчалик ўзгарувчан бўлмасин, ички ишлар идоралари ходимларининг кеча-кундуз заҳматли меҳнатлари боис барча йўналишдаги жиноятлар сони икки фоизга камайдими — дейди Рустам Ёдгоров. — Ўзгалар мулкни ўғирлаш ва хонадонлардан ўғирлик, безорилик жиноятлари, кишиларнинг ҳаётдан кўз юмиши билан боғлиқ автохалокатлар, вояга ет-

билан боғлиқ жиноятлар аниқланди. Йўл-транспорт ҳодисалари, ёнғинлар сони камайдими. Бунинг натижасида фуқароларнинг ҳалок бўлиш ҳолатларининг қисқаришига эришилди. Бу барқарорлик эса пойтахт шаҳримизда террористик ва қўпуровчилик ҳаракатларининг олдини олишга қаратилган «Антитеррор» — тезкор профилактик тадбири ва бир қатор махсус «Спитамен», «То-залаш», «Арсенал», «Назорат», «Кидирув», «Турмуш», «Орият», «Хонадон», «Фуқаро», «Қорадор» каби тадбирларнинг мунтазам ўтказилиши натижасидир.

— Айрим вақтларда содир этилган жиноятнинг жуда тез, масалан 10 дақиқа ёки ярим соат ичида очилганлигини эшитиб қоламиз. Бунга қандай улгуриш мумкин?

— Ҳозирги кунда Тошкент шаҳрида пост-патруль хизмати ва йўл-патруль хизмати гуруҳларидан иборат — «Халқа» гуруҳлари кеча-кундуз иш олиб боради. Уларнинг ўз йўналишлари бўйича ҳудудлари мавжуд. Улар хизмат жараёнида керак бўладиган барча замонавий алоқа воситалари ва анжомлари билан таъминланган. Ҳар бир содир этилган жиноят тўғрисидаги хабар шаҳар наватчилари томонидан дарҳол жойларга етказилади ва жиноят ўша ернинг ўзиди, иссиғиди очилиши учун имкон яратилади. Яна шу ўринда айтиб ўтиш жоизки, содир этилган ҳар бир воқеа-ҳодиса, жиноят ва қонунбузарлик, безорилик ҳақида фуқаролар томонидан вақтида, тез



магланлар ва гуруҳлар таркибида ҳам жиноятлар содир этилиши сезиларли равишда қисқарди. 1200 га яқин кидирувдаги жиноятчи қўлга олинди ва 118 нафар бедарак йўқолган шахслар кидириб топилди. Тугатилган жиноят ишлари бўйича давлатга етказилган 2 миллион сўмликдан ортиқ зарар қопланди.

билан таъминланган. Ҳар бир содир этилган жиноят тўғрисидаги хабар шаҳар наватчилари томонидан дарҳол жойларга етказилади ва жиноят ўша ернинг ўзиди, иссиғиди очилиши учун имкон яратилади. Яна шу ўринда айтиб ўтиш жоизки, содир этилган ҳар бир воқеа-ҳодиса, жиноят ва қонунбузарлик, безорилик ҳақида фуқаролар томонидан вақтида, тез

МАРКАЗИЙ
ОСИЁДА
ЯГОНА

Мамлакатимизда болалар бадий ижодкорлигини ривожлантиришга катта аҳамият берилмоқда. Бунда, шубҳасиз Ўзбекистон Бадий академиясининг республика тасвирий ва амалий санъат лицей-интернатининг хизмати алоҳида ўрин тутаяди.

Ана шу билим ва маҳорат ўқув даргоҳи ташкил топганига 75 йил бўлди. У Тошкентдаги 20-Меҳрибонлик уйининг бадий хаваскорлик тўғрисида негизда юзага келди. Йиллар ўтиши билан унинг фаолияти янада кенгайди.

Ўзбекистон Бадий академияси ташкил этилган, мазкур билим ўноғи унинг таркибидидаги ўқув юртлари қаторидан ўрин олди.

Ўтган давр мобайнида лицей-интернат кўпга ёш истеъодларни мустақил ижод сари етаклади.

Унинг халқаро алоқалари кенгайди. Турли мамлакатларда ўтказилган болалар ижодиёти фестиваллари, қўриқларида ҳам фаоллик кўрсатди. Қирқга яқин халқаро танловда голибликни қўлга киритди.

Марказий Осиёда ягона ҳисобланадиган бу билим даргоҳининг 75 йиллик санасига бағишлаб катта томоша дастури тайёрланди.

Аббас АЛИЕВ



Шарқ дурдоналари

ОЗ-ОЗ ҲАҚИДА
ДОМО БУЛАДИ...

● Сўз — буюк қудрат. Унинг замирида одамлар бирлашади, мамлакат обод, эл фаровон бўлади. Сўз кўзга кўринмас қуролдирки, тигида адолат ва маърифат, яхшилик ва ёмонлик, меҳр-оқибат чарқланади. Ёмон сўз нафақат қалбни, балки руҳни ҳам жароҳатлантириши мумкин.

● Дониниманд бобокалонимиз Юсуф Хос Хожиб айтганларидек, «Сўзни сўзламасанг, сенга кул бўлади, агар оғзингдан чиқарсанг, у сени кул қилади». Яна айтди-ларки:

Хамма сўзни сўз деб гапирма узок,
Керак сўзни сўзла бўлиб кўз-қулок.
Ўқимишлини кўрдим,
у оз сўзлади,
Талай сўзлади деб ўқинди бироқ.

● Қадим замонда бир шох бўлган экан. У шунчалик ёвуз эканки, одамларни мол-дунёсидан айириб, пул қилишдан завқланса, шахару қишлоқларнинг кулини қўққа совириб, гўдаклар қонини оқизиб, лаззатланиб экан. Бир кун шох қўшини мамлакатни забот этмокчи бўлибди. Аммо, жангда осонлик билан мақсадга етолмабди. Ўйлаб-ўйлаб қишлоқ иштатиб, сотқунларни ишга солиб, мамлакат подшоҳини ўлдирди. Ўзи эса маликага совчи қўйибди.

Малика ориятли аёл экан. Номусини, юртини ширин жонидан афсан бўлиб, алга бош бўлиб, душмандан ўч олишга аҳд қилибди. Мардонга қийинчи, майдонга чиқибди. Аммо жанг бошланмасдан олдин икки энлик мактуб ёзиб қонқур шохга жўнатибди. Мактубда эса шундай сўзлар битилган экан: «Эй улут шох, шунча мағрурлигинг, салохиятинг билан жангда енгилсанг, ахли олам бир умр аёлдан енгилган шох деб устиндан қулиб юради. Агар омад сенга қулиб боқиб қолсанг, «Аёл билан тенглашган шох» деб элнинг лаънати-га қолсан».

Шундан сўнг айёр шох маликага қарши урушишга журъат эта олмабди.

Хулоса. Сўзи бутуннинг нону насибаси, эл-юрти бутун.

Билимли

керакли сўзни сўзлайди,
Кераксиз сўзни кўмиб ташлайди.

● ХИКОЯТ. Саъдийнинг «Ўлистон» китобида қайд қилинганки, Хижоз сафарига чиққан маҳалимда бир неча софдил кишилар менга ҳамроҳ бўлидилар. Улар гоҳо асқабозлик қилишар ва гоҳо ҳикматли шеърлар ўқийдилар. Дарёларнинг ички дунёсидан воқиф бўлмаган ва уларнинг дарди, дилларидан беҳабар бир обид то Бани Хилол рабобига етқунча бизга ҳамроҳ бўлиб борди. Бани Хилол рабобига араблар қароргоҳидан бугўй рағлиги бир бола чиқиб, шу қадар ёқимли овоз билан қўшиқ айтишга қарар қилди. Дарёларнинг ички дунёсидан воқиф бўлмаган ва уларнинг дарди, дилларидан беҳабар бир обид то Бани Хилол рабобига етқунча бизга ҳамроҳ бўлиб борди. Бани Хилол рабобига араблар қароргоҳидан бугўй рағлиги бир бола чиқиб, шу қадар ёқимли овоз билан қўшиқ айтишга қарар қилди. Мен дедим: «Эй шайх, боланинг қўшиғи ҳатто хайвонга ҳам таъсир этдию лекин сенга таъсир этмади».

Байт:

Билдингми, тонг чоғида
нима дер менга булбул:
«Нечқ одам саналгай
севгидан беҳабар дил?»
Араб шеърин эшитган
туя завқидан ўйнар,
Сенда завқдан асар
йўқ, хайвон экансан
буткул».

(Давоми. Боши газетанинг ўтган сонларида)

Олтинхон Тўра Саид Маҳмудхон Тўра билан маслаҳатлашган. Ҳиндистонга кетишга қарор қилди ва у ерда тафсир, илми ҳадисни тегин билан улкан олим сифатида шўҳрат қозонди. Айни ана шу аллома Олтинхон Тўра Муҳаммад Нодиршоҳга ёрдам берувчиларнинг энг олдинги сафларида бўлди, ўзи катта маблаб жамлаб беришдан ташқари, кўп бадавлат одамларни ҳам шу ишга жалб этди. Олтинхон Тўра ҳақида шарқшунос олим Убайдулла Уватов ўзининг «Йймон нури» китобида шундай ёзади: «Сайид Маҳмуд ат-Тарозий жаноблари ислом оламининг етук олимларидан бири ҳисобланади. У Маккаи Мукаррамадаги Қазъатуллох жойлашган Ҳарам шарифда, узок йиллар эса Мадинаи Мунавварадаги пайгамбаримиз алай-хиссаломнинг масжидлари — Ал-Масжид ан-набавий аш-шарифда муқовир (яқинида) яшаб рийъасатга қазо (қозилик девонин) томонидан мударрис этиб тайинланган эди. Ал-Масжид ан-набавий аш-шарифда узок йиллар мударрислик қилишдек улуг бахт Сайид Маҳмуд ат-Тарозийга насиб қилган эди...»

Муҳаммад Нодиршоҳга қайтайлик. Юқоридаги сайй-харақатлар натижасида Муҳаммад Нодиршоҳ катта кўп тулади, уни ҳам моддий, ҳам маънавий томондан, ҳар тарафлама қўллаб-қувватлагувчилар сони орта борди. Жуда катта қўшинга эга бўлган Муҳаммад Нодиршоҳ Афғонистонга қараб от сурди...

Бачаи Сақонинг омонат ҳукумати Муҳаммад Нодиршоҳ қўшини ҳужумларига дош беролмай, енгилиб тўмтаракдай қочди. Қўлга тушган Бачаи Сақонинг ўзи 1929 йил 2 ноябрда қатл этилди. Муҳаммад Нодиршоҳ Афғонистон подшоҳи деб эълон қилинди.

Мамлакат осейшталик палласига кирди. Саид Маҳмудхон Тўра бу бесаранжом кўнлардан сўнг яна хотиржам «Дорулмуаллимин»-да, «Ҳабибун» мадрасасида ўз сабоқлари билан машғул бўлди, «Жамияти уламо» раиси сифатида фаолиятини давом эттирди.

Саид Маҳмудхон Тўранинг тоғаси шайхулислом Саид Нўмонхон Тўра билан Хижозда учрашганлари ҳақида юқорида баён этгандик. Ушанда тоға-жиянлар, насиб этса тез қўнларда қўришамиз, деб ният қилган эдилар. Фаришталар омин дейишган экан, ҳарқалай тез бўлмаса ҳам, нақ ўн тўрт йилдан кейин шундай дийдорлашув юз берди. Саид Нўмонхон Тўранинг ризқи насибаси ҳам Афғонистонга сочилган экан. У ҳам бу юртга қўчиб келишга мажбур бўлди. Афғонистон подшоҳи Муҳаммад Нодиршоҳ машҳур шайхулисломнинг Афғонистонга келаётганини эшитиб хурсанд бўлди, тезликда Мозори Шарифга унинг истибқолига қутиб олгувчиларни юборди, мамнуният билан Кобулга таклиф этди. Кобулга келган, «Жамияти уламо»га раис бўлди, унга мамлакатда бутун диния идоралари ва диний мактабларга мутасаддилик қилиш вазифаси топширилди.

Саид Маҳмудхон Тўра жуда мамнун эди, назарида худди Саид Акрамхон Тўра тирилиб келгандай бўлди. Бироқ шодлиғи узокқа қўзилмади, икки ярим йил ўтиб Саид Нўмонхон Тўра қаттиқ бегоб бўлди ва Аллоҳнинг инояти билан фаний дунёдан боқий дунёга рихлат қилди. Шайхулисломни пошолшқ даражасида катта иззат-икром билан Кобулдаги Ошқонни ориф мазорида дафн этдилар.

Саид Нўмонхон Тўра Мозори Шарифга келган вақтида, эндигина ўн икки йилга тўлган Аҳмадхон иттифоқо ўша ерда эди. Унинг ҳижоя қилишча, меҳмонни асоса-ю дабдаба билан қутиб олганлар. Шайхулисломни катта тут дарахти тағидига супада юксак мақомда иззат-обрў билан меҳмон қилиб, тавозе кўригзанлар. Даврада кўп одам тўпланган экан. Аҳмадхон кўп қатори бориб меҳмонни тавоф қилиб қўлини ўпади, аммо шайхулислом уни танимайди-да, бу бола ким, деб сўрайди. Мезбонлар, бола жияни Саид Маҳмудхон Тўранинг ўли Саид Аҳмадхон эканлигини айтдилар. Саид Нўмонхон Тўра чехрасига табассум ёйилди: — О, сен Саид Маҳмудхон Тўранинг ўғлимсан? Палак экансан-ку. Танимабман. Кел, кел... Балли, балли!

У Аҳмадхонни бағрига босиб қўришди ва пешонасидан ўпиб қўяди. Кейин дейди: — Дадаг яхшими? Сихқати тузукми?.. Соқолига оқ тушгани йўқми?..

— Йўқ... — дейди Аҳмадхон болаларга хос соддалик билан. — Соқолларига оқ тушса ҳам мўйичнак билан териб юрадилар!

Бу гапни эшитиб барча қҳ-қҳ отиб қулиб юборади...

Ўзбек адиблари — «Оқшом» учун

VIII
САИД МАҲМУДХОН
ТЎРА ҚАРОМАТИ

Иттифоқо, кўнлардан бир кун ўрта ёшлардан ошиб қолган икки жуҳуд киши Саид Маҳмудхон Тўра уйини тақиллатиб келди.

Хайрон қолган Саид Маҳмудхон Тўра уларни ҳовлидаги сўрига таклиф қилди.

— Тўра Соҳиб! — деди уларнинг бири. — Бошимизга катта ташвиш тушиб қолди...

— Нима бўлди? — сўради Саид Маҳмудхон Тўра.

Жуҳудлар кўзда ёш бундай дедилар:

— Уч кундан бери икки ўғлимиз... йўқ. Ўғилларимиз тўсатдан йўқолиб қолишди. Қаердаликлари ҳам билмаймиз. Полисга хабар бердик. Улардан бир из топиша олмапти. Ўзимизнинг ҳам изламаган еримиз қолмади. Ҳеч қаерда йўқ. Жуда хавотирдамиз. Сиз жуда меҳрибон одамсиз. Шўларни топишга ёрдам

Муҳаммад АЛИ,
Ўзбекистон халқ ёзувчиси

АБАДИЙ СОҒИНЧАЛАР

РОМАН — ХРОНИКАДАН БОБЛАР

берингиз, деб келдик...

Саид Маҳмудхон Тўра биров ёрдам сўраб келса, ҳаммаша унинг қимлигидан қатъи назар қўймак қўлини чўзишга ҳаракат қиларди. Бу ерда ҳам шундай бўлди.

У ўн икки ёшли ўғли Аҳмадхонга бир вазифа юклаган эди. Вазифага кўра, Қуръони каримда бир оят бор бўлиб, уни ҳаммаша ўқилса, айрим муаккилларга қўймак берад экан. Аҳмадхон шу билан шўгулланар эди.

— Бари илми гайб билан боғлиқ... Аммо биз билмаймиз, илми гайб деган нарсани... — деди Саид Маҳмудхон Тўра жуҳудларга. — Ўғлимдан бир сўраб қўрай, балки у ёрдам берад... Ёрдам беролса...

— Сўранг! Сўранг! — ҳаприқишди ҳаяжонда жуҳудлар. — Ёрдам бериши учун нима қилишимиз керак? Нима қилиш керак?..

Шу аллозда улар ҳар нимага тайёр эдилар. Саид Маҳмудхон Тўранинг сўзлари жуҳудларни қаттиқ таажжублантирди:

— Иккита сабий бола олиб келингиз, балогатга етмаган, ўн икки ёшдан ошмаган бўлсин. Жуҳудлар тезликда икки жуҳуд болани топиб олиб келдилар.

Воқеанинг бу томони яна ҳам ҳайратланарли эди. Аҳмадхон рўпарасида ўлтирган болаларнинг кўзларини рўмол билан боғлашни буюрди. Кейин Қуръони каримдаги ҳалиги оятни охирга ўқий бошлади. Саид Маҳмудхон Тўра қўлига боғланган болаларга вақти-вақтида бундай саволлар берад эди:

— Қўзингизга бир нималар кўринади. Нима кўринса айтингиз. Ҳозир нимани кўряпсиз? — Ҳеч нарсани... Энди ёруғлик пайдо бўлди... — жавоб берди болалар.

— Энди-чи? Биров кўриндими?

— Энди соқоллари қўқсига тушган бир одам келпти...

— Балли. Ўша мўйсафидга дарров салом беринглар!

— Салом бердик...

— Энди унга айтинглар, тушунтиринглар. Акаларимиз йўқолиб қолди, тополмаётимиз, шундай-шундай, уларнинг қаердаликлари билмайсизми, деб сўранглар...

Кўзлари боғланган болалар бироз жим қолдилар.

Саид Маҳмудхон Тўра ҳам, жуҳудлар ҳам, ҳозир болалар мўйсафид билан гаплашишга деган фикрда эдилар. Саид Маҳмудхон Тўра яна деди:

— Мўйсафид нима-деса шуни такрорлаб бизларга айтиб турингиз...

— Ҳўп бўлади!

Болалар бирдан яна тилга кирдилар:

— Бундай деяпти. Мана... «Икки йўқолган бола икки кун аввал ўлдирилган... Ўликлари Кобулнинг Шаҳри на мавзиеда фалон ҳовлида деворнинг тағида ётибди...»

— Ўша уйга бориш йўлларини сўраб олингиз! — тайинлади Саид Маҳмудхон Тўра... — Сизларга ўша йўлни кўрсатиб берсин. Ўша уйга олиб борсин. Йўлни яхши қўриб олингиз! Нечани ўй эканлигини сўрашни ҳам эсдан чиқармангиз!

Болалар ўлтирган жойларида мўйсафид билан бирга хаёлан Шаҳри навадига ҳовлига «бориб, уйни қўриб, билиб» келдилар. Улар қўнларини қадамма-қадам айтиб турдилар.

Жуҳудлар бу гапларга ишонини ҳам, ишонмасликлари ҳам билмай ҳайратда эдилар.

Аҳмадхон оятни ўқишда давом этарди...

Нихоят болаларнинг кўзларидан рўмолни ечиб олдилар. Саид Маҳмудхон Тўра улардан сўради:

— Ўша уйни қўриб, қаердалигини яхши билиб олдингизларми?

— Ҳа, билиб олдик! — деб жавоб беришди болалар.

— Топ деса, қидириб топа оласизларми?

— Яхши қўриб олдик. Топа оламиз!

— Ўлиб етган болаларни кўрдингизларми?

— Кўрдик. Деворнинг тағида ётишибди...

Жуҳудлар бу гапларни эшитишби, ўзларини тут олмай йигилар эдилар.

Саид Маҳмудхон Тўра тезликда полисга хабар қилди.

Полис етиб келган, жуҳудлар болаларни олишиб Шаҳри навадга жўнадилар. Айтилган уй ҳазора қабиласидан бўлган бир одамга тегишли экан. Унинг қаршилиқ қилишига қарамай, текширишни бошлаб юбордилар. Қарасалар, жуҳудларнинг икки боласи чиндан ҳам деворнинг тағида ўлиб етган эмиш...

Бу гап эл орасида шов-шувга айланди. Шундан кейин Саид Маҳмудхон Тўранинг валийлик довуғи яна ҳам ошиб кетди, уйдан полис қадами узилмай қолди, ўзла-

ри излаб тополмаган нарсаларнинг қаердалигини билиб беринг, деб сўрадилар ундан. Кейин уларга подшолар, вазирлар, генераллар, каттақонлар, гурли арқони давлат одамлари ва бошқа кишилар ҳам қўшилишди. Келганлар орасида ўша пайтда вазири доҳила бўлиб ишлаган Муҳаммад До-вудхон, Нодиршоҳнинг ўзи, уйдан бир йўла кўп нарсалар йўқолган янги ўйланган Муҳаммад Зоҳиршоҳ, Сардор Асдуллохон ва бошқалар бор эди.

Келгувчилар тобора кўпайиб борарди. Шундай бир вазият пайдо бўлдики, бировнинг эшаги йўқолган бўлса ҳам топиб бер, деб Тўра Соҳибга мурожаат қиладиган бўлиб қолишди. Барчаси келиб бошимизга шундай-шундай ишлар тушиб қолди, ёрдам бермасангиз бўлмайди, деб туриб олардилар. Тўра Соҳибни ўз ҳол-жонига қўймасдилар. Энди бунга ортиқ чидаб бўлмасди. Сўраб келганларга, бизлар уйда йўқмиз, деб жавоб беришдан бошқа чора топа олмай қолдилар.

IX
УЗИЛГИСИ КЕЛМАГАН
КЎНГИЛЛАР

Можаронинг икки жуҳуд бола қотиллари билан боғлиқ яна бир ноҳус томони бор эди. Болаларнинг жасадлари уйдан топишган ҳазоралар Саид Маҳмудхон Тўрага душманлик кўргизиб, нединки сен биз ўлдирган болаларни топиб бердинг, дегандай иддао қилиб кела бошладилар. Ҳатто бир кун кечаси ўн чоғли ҳазора кишилар аравада Саид Маҳмудхон Тўра уйига келишиб, сизни бир йигинга олиб кетамиз, у ерда катта уламо-лар жамулжам сизни қутиб ўлтиришибди, ҳамма сизни қўришга орзуманддилар, тез бўлинг, деб қисташга турдилар. Уларнинг ниятлари ёмонлиги, Саид Маҳмудхон Тўрага бирор зарар етказмокчи эканликлари кўнгилларига тукканликлари шундоққина аён эди. Саид Маҳмудхон Тўра баҳона қилиб бир амаллаб қутулиб қолди... Шунда Тўра Соҳиб Афғонистонда яшаш унинг учун, умуман ўзбеклар учун хавфли бўлиб қолганини, қаёққадир қўчиб кетиш лозимлигини илк бор англаб етди... Бу қанча тез бўлса шунча яхши.

Асли бу ният Тўра Соҳибда аввалдан бор эди. Бир кунмас бир кун бу ерга ўрислар ёки инглизлар келиши мумкинлигини идрок ойнасида яққол қўриб турарди.

Унинг устига, Нодиршоҳ замонидан эътиборан Афғонистонда аста-аста форсий тил, яъни давлат тили ўрнига афғон тили катта нуфузга миная бошлади. Муомалада фақат форсий ва афғон тили ҳукмрон... Қўча-қўйда ҳамма шу тилларда гаплашишди. Миллатлар ўртасида тафриқланиш авж олди. Сен ҳазорасан, панжширийсан, мўмандийсан, патонсан, қандақорийсан, тожиксан, ўзбексан, туркмансан ва ҳоказо деб аташлар қўпайди, яъни фирқа-фирқа бўлиб ажралиш бошланди кетди. Ҳар қадамда бир миллат кишининг бошқа миллат кишига писандасиз қарашлари, эътиборсизлик, гоҳида ҳурматсизлик қўришлари намоён бўлиб турарди.

(Давоми келгуси сонда)

ШифобахшҒусилчиликлар**САРИҚ
ЙЎНҒИЧҚА**

... Ранги яхшилайди. Оғиз, бадан ва тер ҳиди-ни кетказди. ... Чипқонларни юмшатиб пиширади.

... Сарик йўнғичканинг қайнатмаси зарбдан бўладиган кўздаги нуқта-ли қонлашларни тузатади.

... Бу билан бош ювил-са, бошдаги кепакни то-залайди. ... Товушни тиниқ қилади. Ўпкани бирмунча озиқлантиради, кўкрак ва бўғизни юмша-тади. Сарик йўнғичкани асал ёки... анжир билан қайнатиб ишлатилса, йўтал ва астмани босади.

... Бақадон шиши, оғри-ши ва юмилишига қарши қайнатмасида ўтирилади. Ичак яраларида сирка билан қайнатилгани иш-латилади. Агар ўлини сирка билан аралашти-риб ейилса ҳам шу фой-дани беради.

КАКЛИКЎТ

... Какликўт қувватда тоғжамбил каби. ... Унинг энг кучлиси ёввойиси-дир.

... Чайналса тиш оғри-ғини тўхтади ва бўша-ган тиш милкига дори. Чунки у куйдирувчи қув-ватга эгадир. Тиш тошла-рида яхшидир.

... Ёғи кўкрак ва ўпкага фойда қилади. ... Какликўт жигар ва меъда учун фойдалидир.

... Тизза оғриқларига фойда қилади.

КАНАКУНЖУТ

... Агар уни янчилса ва қўйиб боғланса, сўғални ва сепкилни кетказди.

... Унинг ёғи кўтирга ва кўп яраларга фойдали-дир.

... Агар канакунжутнинг ўттиз донасини янчиб ичилса, кўстиради. Чунки у меъдани жуда бўшашти-риб, кўнгилни айнайтади.

... Унинг донини янчиб ичилса, шиллиқни ва саф-рони суради, қориндаги гижжаларни (ташқарига) чиқаради.

**КЕЛИН
ТИЛИ**

... У сув мурчи бўлиб, яп-роғи тоғ япроғи каби, ле-кин сариклиги ундан кўра кучлидир.


... Янгисини уруғи би-лан янчиб, юздаги доғ-ларга, сепкилга ва эскир-ган нуқтали қизил қон-лашга суртилса, уларни кетказди.

... Янгисини уруғи би-лан янчиб боғланса, қаттиқ шишларни шимил-тиради.

Мақдони**УМР ШОМИДАГИ БАХТ**

Юртимизда меҳр-оқибатли, саховатли, олижаноб инсонлар жуда кўп. Ле-кин гуруч курмасиз бўлмаганидек, орамизда ота-онага, яқинларига бўлган меҳр-оқибат, ҳурмат ва қадр-қимматни унутайтган амалпараст, мону давлат-га берилган баъзи кимсаларнинг учраб туриши ачинарли ҳолдир.

Шуни айтиш жоизки, Ўзбек Миллий академик драма театрининг репертуари ушбу мавзудаги спектакль билан бойи-тилди. Маълумки, ўтган йили Тошкент шаҳар ҳокимлиги лойиҳаси асосида Дил-бар Махмудова ва Тилаб Махмудовлар қаламига мансуб «Умр шомидagi бахт» деб номланган спектаклнинг премьераси бўлиб ўтган эди. Кунни кеча мазкур театр-



да Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист, режиссёр Марат Азимов ва Қаҳрамон Саъдуллаевлар томонидан саҳналаштирилган спектаклнинг янги талқинининг тақдими-ти бўлиб ўтди. Ушбу драматик спектакл-даги бош ролларни истеъдодли актёр-лар — Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артистлар Гулчехра Иброҳимбекова, Пулат Носиров, Малика Иброҳимова, Ҳожиак-бар Комилов, Фатхулла Маъсудов ва бо-шқалар маҳорат билан ижро этишган.

Меҳр ва мурувват йилга бағишланган мазкур спектаклнинг асосий мавзуси ҳал-қимизнинг улуғвор ва олижаноб фазил-латларидан бўлиши меҳр-оқибат, кекса-ларни қадрлаш, ёшларнинг қалбида ота-онага, яқинларига меҳр-мурувват, ҳурмат сингари туйғуларни уйғотишдан иборат. Бундай қараганда ҳалқимизга хос бўлма-ган яъни, ота-оналарини қариган чоғида ёлғизлатиб ёки қариялар уйига ташлаб кетаётган одамлар бизда санокли албат-та. Лекин гап ҳаётда учраб турган би-рики факт устида бораётгани йўқ. Гап ях-шилиқни, қадр-қимматни улуғлаш, кек-саларга бўлган энг самимий муносабатни сақлаб қолиш ҳақида борапти. Пьесанинг


тарбиявий аҳамияти ҳам ана шунда. Спек-таклда Аваз ота ҳамда Хадича ая образ-лари тимсолида ҳар бир инсоннинг маъ-лум ҳаёт чорраҳаларида ёлғизликдан қутулиш ва унинг азобларини кўрмаслик туйғулари кунаяди. Ана шу ўринда фақат бошқаларнинг меҳр-муруввати одамийли-ги ёлғизликдан қутқарувчи малҳам вази-фасини ўтайди.

Қариялар уйига келиб қолган Аваз ота ва Хадича ая бу масканда ўз фарзанд-лари, яқинларидан кўрма-ган меҳр-оқибатни, ҳурмат-ни топадилар. Бу меҳр ип-лари икки кексанинг умр шомидagi муҳаббат риш-тасига айланади. Пьесанинг кульминацион нуқтаси Аваз ота билан унинг ўғли ўрта-сидаги зиддиятда ўз ифо-дасини топган. Оёғи ердан узилган, амалпарастлик, по-рахўрлик оқибатида бойиб кетган раҳбар ўғлининг ҳашаматли саройида яшаш-ни ўзига эп кўрмаган ота ўзининг оталик меҳрига қарши борсада, бу хонадондан бош олиб чиқиб кетишга қарор қилади. «Мен сенинг ёғли палов, думбали сомса-ларингни ейишдан ор қиламан», деб хи-тоб қилади ота ўғлига. Чунки бу нарсалар ота наздида ҳалол меҳнат билан топил-маган. Мана шу воқеалар лирик драма ғоясининг асосий мағзини ташкил этади.

Спектаклнинг мавзуси қанчалик қизи-қарли ва таъсирли эканлигини томоша сўнгрида залда ўтирганларнинг узоқ да-вом этган олқишларидан ҳам билиш мум-кин. Спектакль тугагач мазкур саҳна аса-ри ҳақида томошабинларнинг фикр-му-лоҳазалари билан ўртоқлашдик.

● **Муборак ЮНУСХЎЖАЕВА, Ўзбе-кистонда хизмат кўрсатган маданият ходими:**

— Мен мамнуният билан шуни айтмоқ-чиманки, театрларимизда ҳамма мавзулар-да постановкалар саҳналаштирилган. Ле-кин ушбу мавзудаги саҳна асарлари де-ярли йўқ эди. Бу спектакль аини даврга монанд воқеаларни рўй-рост кўрсатиб турибди. Кейинги йилларда ота-оналари-ни кексайган чоғида ҳурмат-иззат қилиш-



ни, уларни қадрлаш, яқинларига меҳр-оқибатни унутайтган кимсалар кўпайиб бормоқда. Спектаклда худди ана шундай инсонларнинг ҳаёти таниқли актёрлари-миз ижросида юксак маҳорат билан та-биий талқин этилган. Уйлайманки, спек-такль нафақат бугунги ёшлар, балки кат-талар учун ҳам тарбиявий аҳамиятга эга.

● **Эркин УМАРОВ, Ўзбекистон Мил-лий университети профессори:**

— Мен бу спектаклнинг иккала вари-антини ҳам томоша қилиб, бугунги талқ-инида анчагина яхши ўзгаришлар борли-гига гувоҳ бўлдим. Аввало мавзу яхши танланган. Инсонларнинг маънавий тар-биясини оширишда катта роль ўйнайдиг-ан томоша бўлган. Театрнинг шу томо-ни яхшики, барча воқеа-ҳодисалар томо-шабинининг кўз олдига намоён бўлади. Инсонлар ўртасидаги меҳр-оқибатнинг йўқолиб бораётганлиги, амалпарастлик, порахўрлик, пулга муккасидан кетган баъ-зи одамлар ота-онаси ҳамда яқинларига бўлган инсоний фазилатларни унутиб қўймоқдалар. Бундай асарни саҳналаш-тиришдан мақсад мана шундай кимсалар-нинг кўзини очиб, кишилар қалбида эзгу хислатларни уйғотишдир. Бу спектаклни кўпроқ намойиш этиш, айниса ёшларга кўрсатиш зарур деб ўйлайман.

Дилором ИКРОМОВА
СУРАТЛАРДА: «Умр шомидagi бахт» спектаклидан лавҳалар.

Ҳакимжон Солиҳов
олган суратлар.

Ярмаркалар**ИШГА ЙЎЛЛАНМАЛАР
ОЛИШДИ**

«Қамолот» ЁИХ Бектемир туман бўлими ҳамда туман меҳнат, аҳолини иш билан таъминлаш ва ижтимоий ҳимоя қилиш бўлими томонидан ту-мандаги «Зилола», «Миришкор», «Роҳат», «Чашма», «Истиқбол» ҳамда «Мажнунтол» маҳаллаларида иш билан банд бўлмаган фуқаролар учун «Бўш иш ўринлари ва вакант лавозимлари» ярмаркаси ўтказилди.

Мазкур ярмаркада Бектемир туман-идаги 22 та корхона вакиллари мав-жуд бўш иш ўринлари тўғрисида маъ-лумотларни аҳолига тақдим қилиш-ди. Ярмаркага таширф буюрган 300 га яқин фуқаролар бўш вакансиялар мавжуд бўлган корхона раҳбарлари билан тўғридан тўғри суҳбатлашиб, янги иш ўринларига йўлланмаларни қабул қилишди.

— Мазкур тадбирни ўтказишдан

мақсад туманда ишсиз юрган ёшлар-ни иш билан таъминлаш, ўзлари қизиққан соҳа бўйича қисқа муддат-ли ўқув курсларига ўқишга жойла-шишларига кўмаклашишдан иборат-дир. — дейди «Қамолот» ЁИХ Бекте-мир туман бўлими Кенгаши раиси Илхом Алимов.

Шерзод КҮЧКОВ
СУРАТДА: меҳнат ярмаркаси-дан лавҳа.

Мусобақалар**НИМА? ҚАЧОН?
ҚАЕРДА?**

Куни кеча «Бунёдкор» ёшлар телеклубида шахримиздаги мактаб ўқувчилари ўртасида ўтказилган «Нима? Қачон? Қаерда?» очик чемпионатининг финал мусобақалари бўлиб ўтди.

Финал босқичи иштирокчилари «Бунёдкор» ёшлар телеклубида бўлиб ўтган саралаш мусобақалари ор-қали аниқланган бўлиб, гуруҳларда пойтахт мактаб-ларининг 9-11 синф ўқувчилари билим борасидаги ўз кучларини намойиш этишди. Саралаш мусобақа-лари натижаларига кўра, финал ўйинида 18 та ўзбек ҳамда 18 та рус мактаб ўқувчилари иштирок этди. Жами мазкур чемпионатда Тошкентдаги 290та мак-таблар негизда ташкил қилинган гуруҳлар қатнаш-ди.

«Қамолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг Тош-кент шаҳар бўлими ҳамда «Нима? Қачон? Қаерда?» ўйинининг премьер лигаси томонидан ташкиллаш-тирилган ушбу чемпионатнинг асосий мақсадлари-дан бири, бу, юртимиздаги ёшларнинг интеллекту-ал онгини ошириш, ёшлар орасидан иқтидорлила-рини аниқлаб, улар ўртасида илм-фанга бўлган қизиқиш ва интилишни кўчатиришдан иборатдир.

Мурасасиз беллашув, ақл-идрок, билим ва та-факкур синовдан ўтказилган ушбу кунда ниҳоят одил ҳакамлар томонидан ғолиблар аниқланди. Ҳисоб-китобларга кўра Ақмал Икромов туманидаги «Ором» мактаб-боғчаси биринчи ўринга, Бектемир тумани-даги 293-мактаб жамоаси иккинчи ўринга, Мирзо Улугбек туманидаги 223 ва Ҳамза туманидаги 230-мактаб жамоалари учинчи ўринга лойиқ деб топил-дилар.

Ҳар томонлама қизиқарли ва ҳар бир қатнашчи-дан чуқур билимини талаб этган ушбу мусобақа иш-тирокчилар ёдида узоқ вақт яхши таассурот билан қолиши шубҳасиздир.

Отабек ЭШМАТОВ

Спорт

ХАВАСКОР
ПОЙГАЧИЛАР
БЕЛЛАШДИ

Шахримиздаги техника ва амалий спорт турлари марказида автопойга бўйича «Рахбар-2004» Республика биринчилиги мусобақалари ўтказилди.

Республика Мудофасага кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти ва Республика Автомобиль федерацияси билан ҳамкорликда икки кун давомида ўтказилган аънавий мусобақада Тошкент шаҳри ва мамлакатимиз вилоятлари автомактаблари ҳамда спорт-техника клубларининг вакиллари ҳисобланиш хаваскор пойгачилар иштирок этишди.

Авторалли мусобақаларида 33 нафар спортчи икки кишилик экипаж таркибига галаба учун кураш олиб боришди. Улар 186 километрли масофани босиб ўтишди. Келес автомактаб вакиллари Хамдам Мирзаев ва Ҳикмат Хошимовлар барча шартлардан муваффақиятли ўтиб, маррага биринчи бўлиб етиб келишди.

Умумжамоа ҳисобида галаба Андижон вилояти автопойгачиларига насиб этди.

ЭШКАКЧИЛАР
МАҲОРАТ
КЎРСАТИШДИ

Республика олий спорт маҳорати мактабининг Тошкент денгиздаги базасида байдарка ва каноэда эшкак эшиш бўйича Республика чемпионати мусобақалари бўлиб ўтди. Унда спортчилар 200 ва 500 метрлик қисқа масофаларга эшкак эшиш бўйича беллашдилар.

Таъкидлаш жоизки, республикамизнинг турт вилояти ва Тошкент шаҳридан энг маҳоратли эшкак эшувчилар иштирок этган мусобақалар ҳаёқонли лажаларга бўйлиги билан алоҳида ажралиб турди. Зеро унда олимпиада ўйинлари иштирокчилари, қатор нуфузли халқро мусобақаларнинг голиблари ўзaro куч синашишди.

Бир кишилик байдаркаларда 200 ва 500 метрга эшкак эшиш баҳсида олдиндан қўтилганидек, шахримиз вакиллари — энг тажрибали спортчилар Антон Ряхов ва Юлия Борзоваларга тенг келадиганлар топилмади.

Эшкаклар ўртасида икки кишилик байдаркаларда қисқа масофаларга эшкак эшишда Антон Ряхов ҳамда Сергей Борзовлар зафар кучишди.

Аёллар ўртасида 200 ва 500 метрга икки кишилик байдаркаларда ўтказилган мусобақаларда Мария Михеда ва Надежда Пишчунчалар ҳурмат шохсупасининг энг юқори поғонасига қўтарилишди. Шунинг алоҳида таъкидлаш жоизки, юқоридаги барча турт нафар спортчилар Республика касаба уюшмалари олимпиа заҳиралари махсус болалар ва ўсмирлар спорт мактаби вакиллари.

Каноэ қайиқларида қисқа масофаларга эшкак эшишда Рустам Мирзадиёров, Максим Кирьянов ва Павел Захаровлар Ўзбекистон чемпионлари бўлишди.

(Ўз мухбиримиз)

«Ўзбек Давлат цирки»
республика бирлашмасига
бичиқчи ва тикувчи керак.
144-64-11 телефонига
муурожаат қилинг.

Қўғазмалар

ТАСВИРИЙ
САНЪАТ
ФЕСТИВАЛИ

Ўзбекистон Бадий академиясининг Марказий кўғазмалар залида «Ўзбекистон маданият ва санъат форуми» жамғармаси ҳамкорлигида Ўзбекистон тасвирий санъат фестивали кўғазмаси бўлиб ўтмоқда.

Ушбу фестиваль «Ўзбекистон маданият ва санъат форуми» жамғармаси ва Ўзбекистон Бадий академияси ҳамкорлигида йил давомида амалга оширган лойиҳасининг иккинчи бо-


Фестивалнинг биринчи босқичида аънавий санъат кўғазмаси бўлиб ўтган ва унда мамлакатимизда мавжуд амалий-безак санъатининг барча тур ва жанрларида ижод қилаётган

нинг 300 дан ортиқ асарлари намойиш этилмоқда. Ўзбекистон рассомларининг ижодида реализмдан авангард ғояларигача бўлган йўналишнинг кенг кўлами мазкур асарларнинг асосий мавзунини белгилаб берган. Мухторхон Исаевнинг «Сомон йўли», «Камтарин аёл», «Биринчи бўса», Хуршид Зиёхоновнинг «Дастурхон», Жавлон Умарбековнинг «Қадимий куй» сингари асарлари мусавирларимиз тасвирий санъатнинг турли йўналишларида самарали ижод қилаётганлигини яна бир қарра исботлайди.

Фестиваль 12 ноябрга қадар давом этиб, унда рассомлар ҳақидаги «Кўёш болалари» фильмининг намойиши, шунингдек, етук мусавирлар иштирокида замонавий тасвирий санъатнинг долзарб масалаларига бағишланган семинар ва учрашувлар ўтказилиши кўзда тутилган.

Дилдора ТОЛИПОВА
СУРАТЛАРДА: кўғазмалар лавҳалар.

Владимир Гранкин
олган суратлар.



сқичидир. Мазкур фестиваль 150 дан ортиқ рассомларнинг асарлари кўғазмаси намойишидан бошланганлиги бежиз эмас. Зеро, кўғазмани ташкил этишдан асосий мақсад замонавий, миллий маданият йўналишларини намойиш этаётган истеъдодли, истиқболли ва санъатга энди кириб келаётган янги иқтидорларни қўллаб-қувватлашдир.

60дан ортиқ халқ усталари иштирок этган эди. Аънавий санъатнинг энг истеъдодли усталари «Ўзбекистон маданият ва санъат форуми» жамғармаси совринлари билан тақдирланган эдилар.

Янги кўғазмада замонавий рангтасвир, ҳайкалтарошлик ва графика ривожига асосий йўналишларни акс эттираётган рассомлар-

нинг 300 дан ортиқ асарлари намойиш этилмоқда. Ўзбекистон рассомларининг ижодида реализмдан авангард ғояларигача бўлган йўналишнинг кенг кўлами мазкур асарларнинг асосий мавзунини белгилаб берган. Мухторхон Исаевнинг «Сомон йўли», «Камтарин аёл», «Биринчи бўса», Хуршид Зиёхоновнинг «Дастурхон», Жавлон Умарбековнинг «Қадимий куй» сингари асарлари мусавирларимиз тасвирий санъатнинг турли йўналишларида самарали ижод қилаётганлигини яна бир қарра исботлайди.

Дилдора ТОЛИПОВА
СУРАТЛАРДА: кўғазмалар лавҳалар.

Владимир Гранкин
олган суратлар.

Эзгулик даракчиси

МЕҲРИНГА
ТАСАННО,
МЕҲРЖОН

Меҳржон эзгулик даракчиси, олтин кузнинг нашидасидир. Меҳржон — она заминнинг саховати, инсоннинг меҳр-муруввати, ниятларининг ижобати демалди. Шундай экан, биз катталар бундай тадбирларни ўтказибгина қолмай, балки болаларимизни меҳр-мурувватли чин инсон бўлиб етишишга ундашимиз, уларнинг истеъдодини юзага чиқаришимиз лозим.

Куни кеча Мирзо Улуғбек туманидаги «Ўқувчилар ижодиёт марказида «Меҳринга тасанно, — Меҳржон!» деб номланган шукроналик байрами бўлиб ўтди.

Тадбирни Мирзо Улуғбек туман ҳокимлиги «Маънавият ва маърифат» маркази, «Камолот» ЁИХ туман бўлимлари, туман халқ таълими бўлими, ўқувчилар ижодиёт маркази ҳамкорлигида ўтказилди.

Байрам дастурига кўра асфальтга расм чизиш, «Олтин куз» расмлар танлови, «Куз инъомлари», кузги гуллар, икебаналар яшаш мусобақалари бўлиб ўтди.

Айниқса «Куз маликаси» кўрик-танлови алоҳида аҳамият касб этди. Кечанда намойиш қилинган кўғазмаларнинг барчаси ўқувчилар кўли билан яратилганлиги қувончлидир. Улар яратган чизмаларда саҳий замин, сержило қуёш, куз неъматлари ўз аксини топди.

50-мактаб ўқувчиси Нодир Соиповнинг ҳазрати инсон, она-Ватан ҳақидаги кўшиқлари, «Куз маликаси» тимсолидаги қиз, Умида Ҳусниддинованинг чиқишлари барча йигилганларни ҳушуд этди. Бундан ташқари Ҳилола Тоҳирова, Светлана Бутарина, Саида Аббасова сингари истеъдодли ўқувчиларнинг ўзига хос чиқишлари ҳам кўпчиликка манзур бўлди.

Ғолиблар «Камолот» ЁИХ томонидан эсдалик совғалар билан тақдирландилар.

Меҳржон байрами ўзига хос тарзда қувноқ ва шодон ўтди.

Ширмоной АСРАНОВА,
улдубчи психолог

Дил йиғлади, фарёд чекди қалб. Соғинчлар ўртади юраккинамми. Мен қандай яшайман кўнглимга сиздириб армонларини, Тоғ қадар баланддир армонлар юки, қаддим дол, кўтармоққа қурбим етмайди. Сизларнинг сиймоингиз, ёрқин сийратларингиз ҳеч ҳам ҳаёлимдан нари кетмайди. Дадажоним, онажоним меҳрибонларим. Наҳот бу ёруғ дунёни тарк этиш шунчалар осон бўлса. Бир оғиз сўз айтмай, қўлларимдан бир қўл тум сув ичмай, бемажол, бетеб бўлмасдан бу оламни тарк этиш... Саксон кун ичида ахдлашиб қўйгандек изма-из кетиш...

— Онажоним, сизсиз зулматларга айланди-ку кунларим,—дея фарёд чеккан кунларим дадажоним озорланган қалбимга, дийдиган вужудимга қандай тасалли беришни билмасдирлар.

— Йиғлама, она қизим, мен борман-ку, нима қилай онанг пеономизга сизга. Сен йиғласанг, дарду дунём қоронгу бўлиб кетади. Бахтимга энди сизлар омон бўлинглар...

Оҳ, дадажоним-а, мени юпатиб, ўзингиз ҳам онажоним ёнларига кетиб қолдингиз-ку? «Йиғлама», дея кўзларимни ёшлаб, дилгинамни бир умрга гашлаб кетдингизку.

Аммажоним сочим силаб «Йиғлама, — дейди, — бундай ўлим шараф, болам, қўй бағримни тиглама», — дейди.

Дилдаш гашлар

МЕНГА ИМКОН БЕРИНГ

Онажоним — мунис дилкашим. Дадажоним — суянч тоғим, кенг осмоним. Каердасиз, каерлардасиз? Наҳот энди кўролмайман дийдорларингизни, сўзларингизни тингловмайман, кўксингизга бошим қўйиб, бир нафас ором ололмайман.

— Аммажон, мен қандай йиғламай, онам дийдорларига тўймаган бўлсам, дадам юзларини кўролмай қолдим. Охириги дақиқа, охириги онда дадамлар бошларидан туролмай қолдим.

Айрилиқ, армонлар, азоблар яраси битмас ҳеч қачон. Қалбим тимдаланар, дилим тирналар, чак-чак қон оқади юракларимдан.

Вақт ҳақам, вақт ҳақим, вақт малҳам деймиз. Йўқ ишонмайман бу ақидага. Уни тузатолмас ҳеч қандай табиб.

Кунлар ўтиб ой тўлган сари, зулмат чўкиб, тонглар отган сари соғинчдан бу кўнглим қийналаверар. Тополмай ҳаловат, истаб ширин сўз, телбадай кезаман

кенг кўчаларни. Армонлар оламида қовриллар жисмим. Соғинч номли бир хис, бир туйғу кезаверар дарбадар, тополмай

кўним, иложсиз илинар кўнглим дорига. Мен эса, ҳеч нарсас бўлмаганидек ўзимни овутиб яшашим керак.

Кўзимдан ёш тўкмай, ичимда йиғлаб, масрур юриб, мағрур қулишим керак.

О, ҳаёт бунчалар силри уммонсан? Ота-она ўлмоғи азалий мерос. Бу қонун, бу ҳаммага тегишли, ҳаёт шунга хос... Чиданганга чиқарган

яшаш тарзини. Сен ҳам яшайвергин шунга монанд, шунга мос...

Қулоқларим остида жаранлар ушбу сўзлар. Ён-атрофга боқаман кўринмайди ҳеч зоғлар.

Менинг хувиллаган кўнглим сарҳаларида эса, бир илинж яшайверади. Ўғона бир истак, яна бир бор қўриш, атиги бир бора. Дийдорларингизга сўнгги бир тўйиш, кўксингизга бошимни қўйиб, йиғлаб олиш, кўнглим бўшашиш.

Майли, бир оғиз сўз деманг, майли юпатманг, сочимни силаманг, кўз ёшимни артманг, фақат имкон, беринг, охириги имкон мен тўйиб олайин руҳорингизга!...

Гулчеҳра ДУРДИЕВА



Муассис:
Тошкент шаҳар
ҳокимлиги

Бош муҳаррир
Акмал АКРОМОВ

Манзилимиз: 700000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:

хатлар — 133-29-70;
эълонлар
133-28-95, 136-57-65;
факс: (3712) 133-21-56.

Ҳажми — 2 босма таъриф, офсет усулида
босилди.
2812 нусхада босилди. Қўноқ биринчи А-3

Газета Тошкент шаҳар
Матбуот ва ахборот
бошқармасида 02-1-рақам
билан рўйхатга олинган.

Душанба, сешанба, чоршанба,
пайшанба ва жума кунлари чиқади.
Нашр кўрсаткичи — 563

Нашрият етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги
почта бўлимларига ёки «Тошкент почтасига» — 133-74-05
телефонига муурожаат қилишингиз мумкин.

Газета «Тошкент оқишми»нинг компьютер
марказида терилди ва саҳифаланди.

«Шарқ» нашриёт-матбоа акциядорлик компанияси бошқармаси.
Қорхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-ўй.